


# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2007 йил, 29 май, СЕШАНБА

**XXI АСР САДОСИ**  
 БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР



Газета 1966 йил  
 1 июлдан  
 чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 101 (10.910)

Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

### Кечка сатрларда

• **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан шифокорлар иштирокида бўлиб ўтган илмий-амалий анжуман «Болалар травматологияси, ортопедияси ва нейрохирургиясининг долзарб муаммолари» деб номланди.

• «**ПОЙТАХТ**» меҳмонхонасида шифокорлар, педагоглар иштирокида ўтказилган анжуманда Бутунжаҳон банки томонидан таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларда амалга оширилаётган лойиҳаларнинг аҳамияти хусусида сўз борди.

• **МИРЗО** Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Олий журналистика курси битирувчиларига дипломлар топширилди.

• **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Болалар кутубхонасида Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган «Энг яхши китобхон» кўрик-танловининг республика босқичи ўтказилди.

• «**ЁШЛИК**» талабалар шаҳарчаси «Маънавият ва маърифат» марказида Республика «Оила» илмий-амалий маркази ҳамкорлигида ёшлар иштирокида ўтказилган давра суҳбати «Ёш оила — давлат ҳимоясида» деб номланди.


• **КЕЧА** Ҳамза туманидаги Шароф Рашидов маҳалласида туман Маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамда «Тенгдош» маданият уйи ҳамкорлигида стол тенниси, шахмат, шашка спорт турлари бўйича уюштирилган мусобақада ўсмир ёшлар беллашди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

**МАҲАЛЛИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРНИНГ ИЧКИ БОЗОРНИ СИФАТЛИ ВА РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШДА ҚўШАЁТГАН МУҲИМ ҲИССАЛАРИНИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАШ ЛОЗИМКИ, УЛАРНИНГ ЖАҲОН БОЗОРИДА ҲАМ МУНОСИБ ҲАМ ЭГАЛЛАШГА ИНТИЛАЁТГАНИ, ТОВАРЛАРИ ЭКСПОРТИНИ ЙЎЛГА ҚўЯЁТГАНИ ИҚТИСОДИЁТИМИЗ РИВОЖИДА КАТТА АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ.**

### Тадбиркорлик

## ИЗЛАНИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА



Албатта, четга товар сотишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун ташқи бозорни ҳам мукамал ўрганиш, хорижий ҳамкорлар билан алоқани мустаҳкамлаш, муҳими эса юксак сифатли — жаҳон андозлари даражасидаги маҳсулот тайёрлашга эришмоқ даркор. Пойтахтимизда ўз нуфузига эга бўлган «PGS» хусусий корхонаси ана шундай жамоалар сирасига кириб, бу ерда тайёрланаётган электр маҳсулотлари турлари йил сайин кўпайиб бормоқда. Ушбу маҳсулотларнинг бир қатор афзалликларини кўрган ва ўз бизнесини ташкил этмоқчи бўлган тадбиркорлар харидорлар сафидан ўрин олишди. Бу борада айниқса, корхонада тайёрланган кичик новвойхоналар, мева-сабзавот ҳамда ўт-ғиёҳ қуритиш дастгоҳлари, макарон ишлаб чиқаришга мўлжалланган мослама, электр қозон ва кўра, тандир, тиббиёт каравотлари сингари ўнлаб маҳсулотларни келтириш мумкин. Шунга алоҳида таъкидлаш ўринлики, тадбиркорларнинг изланишлари самараси бўлган


жорий йил якуни ва келгуси йилда иқтисодий ислохотларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу асосда аҳолининг бандлиги ва фаровонлигини оширишни энг муҳим устувор масалалардан эканлигини таъкидладилар. — дейди корхона раҳбари Полянте Свешников. — Бу, албатта бизни руҳлантиради, янги изланишларга ундайди. Ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, маҳсулотнинг харидориги турларини кўпайтириш учун қилаётган савий-харакатларимиз эса бозор талабини қондириш бораборида аҳоли бандлигини таъминлашда, қўшимча ишчи ўринлари яратишда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Тайёрланаётган маҳсулотларимизнинг нафақат мамлакатимизда, балки Марказий Осиё давлатларида ҳам харидорлари сафи ортиб бормоқда. Бунинг

барча электр маҳсулотлари энергияни тежашдаги афзалликлари билан алоҳида аҳамият касб этади.

— Маълумки, Президентимиз асосий боиси сифатга қаратилган эътибордир. Шунингдек, қўллаб-қўрғаш ва халқаро кўргазмалардаги иштирокимиз ҳамда маҳсулотларимиз эътирофи буюртмачиларимиз сафи ортишида катта роль ўйнамоқда.

Айни кунларда корхона тадбиркорлари ишлаб чиқарилаётган ҳар бир маҳсулотни давр талаби асосида мукамаллаштиришга эътибор қаратган ҳолда янги электр товарлари тайёрлаш устида ҳам самарали изланишмоқда. Улар маҳсулот тайёрлашда маҳаллий ҳам ашёдан умумий фойдаланишди. Бу, албатта унинг таннархи истеъмолига эътибор берилди. Бу бўлишида муҳим аҳамиятга эга. Ўз меҳнатларининг самарасини яхши меҳнат ва мазмунли дам олиш шароитларида ҳам яққол сезаётган тадбиркорлар янгиликлар яратиш, иқтисодиётимиз равнақига ҳисса қўшишдан асло чарчашмапти. Келгуси эса экспорт ҳажмини янада ошириш, жаҳон андозлари даражасидаги янги маҳсулотлар билан харидорларни мамнун қилиш кўзда тутилган.

**Шарифа ИЛЁСОВА**  
 СУРАТЛАРДА: электромонтажчи Денис Лим ўз ишининг усталаридан; ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи ўринбосари Александр Иванников ва электромонтажчи Сардор Сафаров иш устидан.  
 Ҳакимжон Солихов олган суратлар



### МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан Тошкентда ташкиллаштирилган «2007 йилнинг энг яхши тарбиячиси» республика кўрик-танлови ниҳоясига етди.

• Жиззах вилояти ҳокимлигида тадбиркорлик субъектларининг амалдаги қонунчиликка мувофиқ ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини ўрганишга бағишланган семинар ўтказилди. Тадбирда республикадаги қатор вазирлик ва идораларнинг вакиллари, вилоятдаги барча назорат органларининг раҳбарлари, йирик корхона ва ташкилотлар мутасаддилари қатнашди.

• Жорий йилнинг ўтган даврида Гулистон шаҳридаги «Экспресс-савдо», «Лола», «Машхура-Шерзод» масъулияти чекланган жамиятлари, «Гулистонпарранда», «Гулистонэкстракть» акциядорлик жамиятлари ва «Лола-модел» қўшма корхонасида 200 га яқин киши касаначилик асосида ишга жалб этилди.

• Ўзбекистон Бадий академияси ҳамда Хивадаги «Ичан қалъа» музей-кўриқхонаси ҳамкорлигида тўрт жилдан иборат «Ичан қалъа» альбом-каталоги нашр этилди. Унда «Ичан қалъа»дан жой олган 54 минг экспонат ҳақида ўзбек, рус ва инглиз тилларида маълумот берилди.

• Жиззахда «Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳиясининг энг яхши ижрочиси» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Ушбу танловда дастлабки босқич мусобақаларида голиб чиққан 20 та хор жамоаси иштирок этди.

• Ўзбекистон ХДП Хонқа туман кенгаши Кишлоқ ҳўжалик касб-ҳунар коллежида «Оила — жамиятнинг кичик бўлаги» мавзусида давра суҳбати ташкил этди.

• Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумий таълим дастурига мувофиқ ҳозирга қадар Фарғона вилоятининг Охунбоев туманида 17 та умумтаълим мактаби мукамал реконструкция қилиниб, жорий таъмирдан чиқарилди.

• «ВимпелКом» ОАЖнинг шўъба бўлинмаси ҳисобланувчи ва уяли алоқа хизматларини «Билайн» савдо маркази орқали кўрсатувчи «Unitel» МЧЖ Жиззахда тижорат операцияларини бошлашини эълон қилди. Жиззахдаги савдо ва хизмат кўрсатиш офиси республикадаги ўнинчи нуқта бўлади.

• Ангрен шаҳрида Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан ўтказилган тадбир кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандларининг хатна тўйига бағишланди. Унда 20 нафар болажонга зарбоф тўнлар кийдирилди, шаҳар ҳокимлиги томонидан ҳар бир бола номига 20 минг сўмдан пул қўйилган омонат дафтарчаси топширилди.

### ЖАҲОНДА

• Кеча Бағдодада АҚШ ва Эрон расмийлари даярли ўттиз йиллик узлишдан сўнг илк бор музокаралар столига ўтиришди. Элчилар даражасидаги расмий учрашув Ироқдаги вазиятга бағишланди. Айтиш керакки, тадбирда Эроннинг ядро дастури муҳокама этилмади.

• Италиянинг етти вилоятда муниципал ва минтақавий сайловлар бўлиб ўтди. Унда иштирок этган 10 миллионга яқин сайловчи 850 та катта ва кичик шаҳарлар мэрларини сайлаш учун овоз беришди.

• Кеча Беларусь пойтахти Минск шаҳрида мамлакат демократик кучлар конгресси бўлиб ўтди. Анжуман давомида демократик кучларнинг ҳаракат стратегияси қабул қилинди. Унда асосий вазифа этиб Беларусда демократик жамиятни қуриш вазифаси қўйилди.

• Фаластиннинг «ХАМАС» ҳаракати Фаластин мухолифатининг сиёсий етакчиси Махмуд Аббоснинг Исроил ҳудудларининг ракетадан ўққа тутилиши тўхтатилиши ва яраш аҳдини бошлаб юбориш ҳақидаги таклифини рад этди.

• Associated Press ахборот агентлигининг хабарига кўра, Польша Президенти Лех Качиньский мамлакат ҳудудида Американинг ракетага қарши мудофаа тизими элементларини жойлаштириш тўғрисидаги музокараларда НАТОнинг воситачилик қилишига қарши чиқди.

• Исроил Бош вазири Эхуд Ольмертнинг баёнотида кўра, Фаластин жангарилари Исроилга таҳдид қилишни давом эттираркан экан, расмий Тель-Авив кенг қамровли ҳарбий амалиёт бошлашга мажбур бўлади.

• Кеча Испания полицияси терроризмга қарши амалга оширилган кенг қўламли операциялар чоғида халқаро терроризм билан алоқадорликда айбланаётган 15 нафар кишини қўлга олдилар. Улар жангариларни Ироқ ва Афғонистондаги операцияларга тайёрлашда айбланмоқда.

• Туркиянинг шарқий қисмида ёққан кучли ёмғирлар натижасида ер кўчкилари ва сув тошқинлари рўй бермоқда. Хусусан, тоғли жойларда 20 та аҳоли пункти ташқи дунёдан узилиб қолди, кучли сув тошқинлари 9 кишининг ҳаётига зомин бўлди.

• Индонезиянинг Марказий Ява туманида парранда гриппи вирусидан беш ёшли қизалоқ вафот этди. Мамлакат соғлиқни сақлаш вазирлигининг маълумотида кўра, у Эйч5-Эн1 вирусини паррандадан юқтирган. Маълумотларга кўра, хавфли касаллик тарқалишининг олдини олиш мақсадида қатор мамлакатлар сўнги бир неча йил ичида қарийб икки юз миллион паррандани йўқ қилган.

## САМАРҚАНД ВА МАРҒИЛОН ЮБИЛЕЙЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

ЎЗБЕКИСТОН ДУНЁГА ҚАДИМИЙ ВА БОЙ МАДАНИЯТГА ЭГА МАМЛАКАТ СИФАТИДА МАЪЛУМ ВА МАШҲУРДИР.



ажойиб адабий ва илмий асарлар, халқ оғзаки ижоди ҳамда амалий санъати дурдоналарини мерос қолдирган. Юртбошимиз ушбу кенг қўламли ноёб меросни қайта тиклаш ва асраб-авайлаш, уни Ўзбекистоннинг серқирра миллий маданияти асосида ривожлантиришга доимий эътибор қаратиб келмоқда. Президент Ислоом Каримовнинг 2006 йил 25 июлдаги «Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигини нишонлашга тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш тўғрисида» ҳамда 2005 йил 9 ноябрда қабул қилинган «Марғилон шаҳрининг 2000

йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарорлари ушбу улкан ишларнинг манткий давоми бўлди. Ўзбекистоннинг ушбу икки қадимий шаҳри юбилейлари ЮНЕСКО шафелигида ўтказилди. ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида «Самарқанд ва Марғилон шаҳарларининг жаҳон цивилизацияси тарихи ва маданиятидаги ўрни» мавзусида халқаро илмий конференция, ушбу тадбирга бағишланган кўргазма ҳамда Ўзбекистон санъати усталарининг концерти бўлиб ўтди. Тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги делегацияси ҳам иштирок этди.

(Давоми 2-бетда).

### «Универсиада—2007» олдидан

## СПОРТ БАЙРАМИ МАРОҚЛИ ҲАМ ҲАМ

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ «ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ЙИЛИ» МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ТАРҒИБ ҚИЛИШ МАҚСАДИДА «УНИВЕРСИАДА—2007»ГА ТАЙЁРГАРЛИК ДОИРАСИДА, АКАДЕМИЯНИНГ ЖАМОАЛАРИ, УРҒАНЧ ВА ФАРҒОНА ФИЛИАЛЛАРИ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРИ, ШИФОКОРЛАРИ ҲАМДА ТАЛАБАЛАРИ ИШТИРОКИДА СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИНИ ЙИЛ БОШИДАН БУЁН ЎТКАЗИБ КЕЛЯПТИ.**

Бу тадбирлар профессор-ўқитувчиларнинг ўз саломатликларини мустаҳкамлашлари учун имконият бўлса, талабалар учун кўргазмали амалий бўлмоқда. Шу нуқтаи назардан Тошкент Тиббиёт академияси томонидан «Гибандисиз ҳаёт учун», «Спорт эстафеталари» каби бир қанча амалий тадбир ташкил этилди.

Йўн ойнанинг охиридаги шаҳримизда ўтказиладиган Универсиада спорт мусобақаларида Тиббиёт академиясининг иштироки хусусида тўхталадиган бўлсак, унда 12 спортсевар талаба спортнинг шунча тури бўйича қатнашиб, олий ўқув юрти шарафини муносиб ҳимоя қилишга интилади ва бунда тез-тез ташкил этилиб турган мусобақаларнинг ўрни каттадир.

(Давоми 2-бетда).




### ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология хизмати марказининг маълум қилишича, 30 май куни Тошкентда ҳаво бироз булғул бўлади, ёнғинчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 16-18, кундузи 33-35 даража иссик бўлади.







МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ

ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ

Гарчи суст юргувчи, гар чопгувчидир, Излаган кимса магар топгувчидир.

Сен талабни устувор эт доимо, Ки, талабдир йўллагувчи раҳнамо.

Йўлаким, нафсинг ўлик аждар эмиш, Чорасизликдин магар ул музламиш.

Бир хунарда кимса гар комил эрур, Маънидин сувратни афзал билгай ул.

Қайда бир кўздин йироқ вайрона бор, Унда бир ганжи ниҳон, афсона бор.

Охири келгай кушойиш, етса ранж.

Эр киши хусни тилида жо эмиш.

Одамий ишга баса машғул бўлур, Боқмагай ўз ҳолига, гофил бўлур.

Эй басо бордир баликлар сувда ул, Нафс учун қармоққа тушгайлар нукул.

Эй басо бордир хотинлар ҳамки, чун, Эл аро шармандадирлар нафс учун.

Эй басо қозию қуззот эл аро, Нафс учун оворадирлар, юз қаро.

Домни кўрмай, донни кўргайсен фақат.

Ақлу хуш гар сенга нозир бўлгуси, Хис-хавас амринга ҳозир бўлгуси.

Сабр — мақсад йўлига пешво эрур.

Сўрмасанг, асрор аён бўлгай ўзи, Сабру бардош манзилингга элтгуси.

Демаким, сўрсам мурод ҳосил бўлур, Бесабрликдин ишинг мушкул бўлур.

Кўрмади одам сабрдин яхсини.

Англамас эрса, у ақлу хуш эмас, Дам-бадам шарҳ айламак ҳам хуш эмас.

Ишқи нондин ишқи жонни кам дема.

Истадим денгизни кўрсам қатрада, Истадим офтобни кўрсам заррада.

Тонг эмас, кўзларда парда бор эмиш, Пардани ҳою ҳаваслар бойламиш.

Кетса суврат, маъни бўлгай жилвагар.

Турмасин кўнглингда кир, қувгил уни, Йиғла, кўз ёшинг била ювгил уни.

Тан — вужудинг кўза эрмиш, фаҳм—сув, Кўза синса, сув тўкилгай, турмас у.

Мискину кўнгли синиққа Тангри ёр.

Барча йўллар оқибатда бир бўлур.

Мадҳ этарми кимса нолойқни ҳеч? Мадҳ этарса, йўлдин озгай эрта-кеч.

Нур тушур деворга кўп йўллар ўта, Нур учун девор магар бир восита.

Оқил аввалдан билур, жоҳил кейин.

Халқ фақирликдин чўчирлар ҳар маҳал.

Сен ёмонларга ёмонлик айлама.

Тулқини овда оёғи қутқарур, Лек халоскорим—думим, деб ўйлар ул.

Лойқа сув дарёга етмоқ истаюр, Лой тўсар йўлни—боришга қўймас ул.

Ўзни гар қутқарса лойнинг кўлидан, Лой қолар-да, сув кетар ўз йўлидан.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган



БОЛАЛАР — УМРИМИЗ
МАЗМУНИ, ҲАЁТИМИЗ ҚУВОНЧИ.
УЛАРСИЗ ҲАЁТИМИЗНИ
ТАСАВВУР ҚИЛИШ ҚИЙИН
АЛБАТТА. БОЛА БИЛАН ОИЛА
МУСТАҲКАМ, БОЛА БИЛАН
УЙИМИЗ ЧАРОҒОН ВА
ФАРОВОНДИР. БАРЧАМИЗ
КЕЛАЖАГИМИЗНИ УЛАРНИНГ
ТИМСОЛИДА КЎРАМИЗ. ЎЗИМИЗ
ЭРИША ОЛМАГАН ЮТУҚ ВА
МАРРАЛАРГА УЛАР ЕТИШНИ
ИСТАЙМИЗ.

Фулум номидagi маданият ва истироҳат боғи ва Акциядорлик тижорат «Алоқабанк» компанияси хамкорлигида ташкил этилди. Унда пойтахтимиздаги мавжуд 6 та Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларидан 400 нафар бола иштирок этди. Тадбирда Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар Хотин-қизлар қўмитаси раиси Фариди Абдураҳимова сўзга чиқиб, болажонларни байрамлари билан кутлар экан, уларга доимо меҳр-муруват кўрсатиш, ҳар томонлама етук ва комил инсон қилиб тарбиялаш, айниқса меҳрга ташна болаларга ўз меҳримиз, саховатимизни аямасли-

улар ихтиёрига топширишларини билдиришди. Шу кунги ҳомийлар томонидан меҳрга ташна болажонлар учун байрам дастурхони безатилиб, ош ва музқаймоқ билан сийландилар. Шунингдек, болажонларга мазкур боғдаги аттракционларда учинчун бепул чипталар тарқатилди. «Дилбандим» акциясида суратлар ва рақслар, «Менинг орзуим», «Энг моҳир кўлар» танловлари уюштирилиб, ғолиблар эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Таниқли санъаткорлар ижросидаги қувнок ва шўх кўшиқлар, жозибали рақсларга болажонлар биргаликда жўр бўлишиб, дилдан қувнашди.

— Маълумки, халқимизда бағрикенг, саховатпеша инсонлар кўп, — дейди бухоролик Карим Ҳамроев. — Мен мазкур акция ҳақида эшитиб, меҳр-муруватга ташна болажонларнинг кўнглиларига оз бўлса ҳам қувонч улашиш, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Бухородан келдим. Бугунги тадбирни ташкил этган ташкилотчилар омон бўлишсин. Жуда яхши ўйлашди. Мана, болажонларнинг кўзига қаранг улар нақадар хурсанд. Чунки уларга давлатимиз томонидан доимо ғамхўрлик ва меҳрибонлик кўрсатиб келинмоқда. Чунки улар бизнинг келажакимиз. Уларга меҳр кўрсатиш, бошини силаш, хайр-саховат кўрсатиш ҳар биримизнинг бурчимиз.

— Ўйламанки, бугунги кун болажонларимиз ҳаётида унутилмас, қувончли кун бўлди, — дейди Хлебущкина номли 22-Меҳрибонлик уйи директори Матлуба Охунова. — Чунки болалар бугун ҳақиқий ҳаётни кўриб туришибди. Мана қанчадан қанча ташкилотлар, меҳри дарё, саховатли инсонлар болаларни ардоқлаб, уларга ўз муруватларини кўрсатишмоқда. Болалар Юртбошимиз айтганларидек «Сен ёлғиз эмассан» шiori амалда эканлигини кўриб туришибди. Мен хоҳлардимки, мана шу болалар қалбида ҳам зғулик, яхшилик, меҳр-оқибат сингари инсоний фазилатлар уйғонсин. Улар халқимизга муносиб, ақлу заковатли, комил инсонлар бўлиб етишишсин. Саховатли инсонлар сафи доимо ошиб бурсин. Шундай тадбирни ташкил этган ташкилотчи ва ҳомийларга, саховатпеша халқимизга чукр миннатдорчилик билдираман.

Дилором ИКРОМОВА СУРАТДА: «Дилбандим» хайрия акциясидан лавҳа.

Хамшаҳарларимиз

ЭЗГУЛИККА ЙЎҒРИЛГАН УМР

ҲАР БИР ИНСОН ЎЗ УМР ЙЎЛЛАРИНИ ЎЗИ БЕЛГИЛАЙДИ. БУ ЙЎЛЛАР ЎҚИШ, ТИНИМСИЗ ИЗЛАНИШ, МАШАҚАТЛИ АММО ШАРАФЛИ МЕҲНАТ САМАРАСИ ҲАМ УЛАРОҚ НУРЛИ ВА ЧАРОҒОН КЕЧАДИ. ЎЗ УСТИДА ДОИМИЙ РАВИШДА ИШЛАБ, МУТОЛААГА БЕРИЛИБ, ФАНДА ЯНГИЛИКЛАР ЯРАТИБ, ЮРТИМИЗ РАВНАҚИГА ҲИССА ҚўШАётганларга ҳамма хавас билан қарайди. УЛАРНИНГ ҲАЁТ ЙЎЛЛАРИ ГҲЁ БИР КИТОБ, ВАРАҚЛАГАНИНГ САРИ НИМАНИДИР УҚИБ, НИМАНИДИР ЎРГАНИБ, БОРАВЕРАСАН...

Аҳат ака Ташходжаев ҳам ана шундай меҳнатдан бахт, ҳурмат топан инсонлар сирасига кирди. Устоз доимо ёшлар билан бирга, уларга ҳамкам, ҳамнафас. Й.Охунбобоев номли Республика тиббиёт коллежиди 50 йилдан ошибдики ҳамон ёшларга сабоқ бериб келмоқда.

1948 йилда ўрта мактабни аъло баҳоларга тугатган А.Ташходжаев, Й.Охунбобоев номли тиббиёт билим юртининг фармация бўлимига ўқишга кирди. Билим юртини тугатгач, Паркент туманидаги 97-дорихонада ассистент, сўнгра мактабда ўқитувчи ва 1957 йилдан бун Й.Охунбобоев номли Республика тиббиёт билим юрти (ҳозирда Тиббиёт коллежиди) кимё фани ўқитувчиси сифатида фаолият кўрсатмоқда.

1967 йилда мазкур коллежда «Хамширалик иши» бўлимида бўлим бошлиғи, кейин эса «Фармация» бўлимида бўлим бошлиғи лавозимларида фаолият юритди. 1991 йилда биринчи тоифали ўқитувчи, 1994 йилда эса олий тоифали ўқитувчи даражасига эришди.

— Мен,—дейди Аҳат ака биз билан суҳбатда,— бутун ҳаётим давомида умримнинг ҳар бир лаҳзасини тиббиётга, ёшларга сабоқ беришга бағишладим, десам муволажа бўлмайди. Мана шу коллежда минглаб талабаларга сабоқ бердим, наинки устозлик, балки уларнинг маслаҳатчиси, ишончли дўсти ҳам эдим. Ўйлаб қарасам, умримнинг энг гўзал давлари ҳам қайнок меҳнат қучоғида, мана шу даргоҳда ўтибди. Талабалар ўз фарзандларим, набираларим каби азиздир. Улар келажакда ўз соҳабларининг жонқуяр, фидойи кишилари бўлиб етишсалар ва мен озми-кўпми, уларнинг қамолотида, илм олишларида ўз хиссамни қўшган бўлсам, шунинг ўзи энг катта ютуғим ва бахтимдир. Зеро, бугунги кунда ёшларнинг илмли, доно, зукко фарзандлар бўлиб етишишдан муҳимроқ иш йўқ. Чунки ёшлар билимнинг бугунимиз, эртаимиз ва келажакда



ги порлоқ нурли истиқболимиздир. Шу ўринда коллежимизнинг ахилоқ жамоасига ҳам ўз ташаккуримни билдиришмоқчиман. Чунки мен бу ерда фақат билим бермадим, балки ўзим ҳам ҳамкасбларим даврасида билимимни бойитиб, тафаккуримни чархлаб бордим. Бир дунё дўстлар, қадрдонлар орттирдим...

Ҳа, инсондан фақат яхшилик ва эзгу ишлар қолади. Аҳат ака умрининг эллик йилдан ошироқ даврини ёшларнинг билим олишига сарфлаб келмоқда. Бу йўлни эзгуликка йўғрилган шарафли йўл десак ҳам бўлади.

Яқинда Й.Охунбобоев номли Республика тиббиёт коллежиди Аҳат ака Ташходжаевнинг 75 йиллиғи, шунингдек, шу даргоҳда ёшларга сабоқ бераётган устозлар Собир Раулов ва Инобат Қасимовнинг 60 йиллик юбилейлари катта тантана билан нишонланди.

Кўтлуг ёшга қадам қўйган бу устозлар коллежининг 3067 нафар талабаларининг кенг дорада фирқалай оладиган, юқори савияли мутахассис бўлиб етишишларида кучгайратларини аямаянтлар.

Мақолаимиз сўнгида бу муҳтарам устозларга касбингизнинг шарафли йўллариди ютуқлар, омадлар, зафарлар доимо сизга энг гўзал кўнларни ато этаверсин ва сизлар ҳаммиша бирдай азиз ва севимли бўлиб қолинг, кўтлуг ёшингиз муборак бўлсин деб қолаимиз.

Гулчехра ДҮРДИЕВА СУРАТДА: Аҳат ака Ташходжаев ўртада ҳамкасблари даврасида

2007 — Ижтимоий ҳимоя йили

БОЛАЖОНЛАРГА МЕҲР-МУРУВВАТ КЎРСАТИЛДИ

Фулум номидagi маданият ва истироҳат боғи ва Акциядорлик тижорат «Алоқабанк» компанияси хамкорлигида ташкил этилди. Унда пойтахтимиздаги мавжуд 6 та Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларидан 400 нафар бола иштирок этди. Тадбирда Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар Хотин-қизлар қўмитаси раиси Фариди Абдураҳимова сўзга чиқиб, болажонларни байрамлари билан кутлар экан, уларга доимо меҳр-муруват кўрсатиш, ҳар томонлама етук ва комил инсон қилиб тарбиялаш, айниқса меҳрга ташна болаларга ўз меҳримиз, саховатимизни аямасли-

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ 2007 йил 3 июль куни соат 11.00да Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносида ўтказилган очик аукцион савдоларига қуйидаги мулкларни қўймоқда

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан 2007 йил 9 апрелдаги 10-0710/4136-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Ҳ.Абдуллаев кўчаси, 89-уйда жойлашган «MARAL» ХИЧТФга тегишли жами 407 кв.м.дан ташкил топган кафе, унга туташ сартарошхона ва офис биноси. Бошлангич баҳоси — 45 140 210 сўм 20 тийин.

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент

шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан 2006 йил 23 майддаги 521/2-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган Тошкент шаҳар, Яққасарой тумани, Бобур кўчаси, 73-уйда жойлашган «SHOABOS» МЧЖга тегишли 369 кв.м.дан ташкил топган 2 қаватли тозалаш биноси. Бошлангич баҳоси — 20 654 600 сўм.

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти томонидан 2006 йил 14 апрелдаги 4057-58/12-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Содиқов кўчаси, 15-уйда жойлашган «Ўзйўлмашсервис» ИИЧТКга тегишли қоровулхона ва маъмурий бинолари. Бошлангич баҳоси — 79 158 950 сўм.

Ушбу мулкларни суд ижрочилари иштирокида бевосита жойга чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар

тўлов ҳужжатида ижро ҳужжат рақами ва санасини кўрсатилган ҳолда объект бошлангич баҳосининг 10 фоиз микдориди зақалат пулини Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотранспорт» филиалининг «Альянс» мини банкидаги, МФО 00417, СТИР 204325773, х/р.20208000804234776001 тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни ва зақалат пулларни қабул қилиш, савдодан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўч. 1-уй. Тел. 138-69-94. Лицензия DV001-000010.

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

«Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамияти бошқарув аппаратиға ахборот-коммуникация технологиялари бўйича мутахассисларни ишга жалб этиш бўйича танлов эълон қилади. Ҳар ойда бажарган ишига қараб, ўртача 250-300 минг сўмгача ойлик маоши тўланади. Танловда қатнашиш учун қўйиладиган талаблар:

—Олий маълумотли, ўз мутахассислиги бўйича 5 йилдан кам бўлмаган меҳнат стажига эга бўлиши; —Компьютердаги мавжуд дастурларда мукамал ишлай оладиган ҳамда мустақил равишда дастурлар тузиш қобилиятига эга бўлиши; —Ўзбек, рус ва бошқа хорижий тилларни билиши керак. —Танлов комиссиясига тўлиқ расмийлаштирилган шахсий варақа (сўровнома), маълумоти ҳақидаги диплом нусхаси ва малака оширганлиги ёки қайта тайёрлашдан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳномалар (Сертификат) тақдим этилиши лозим. Манзил: Тошкент шаҳри, А.Толстой кўчаси, 1-уй. (Главпочтамт биноси). Мурожаат учун телефон: 137-49-51.

«GOLD BIZNES GARANT» хусусий корхонаси «GOLD BIZNES GARANT» масъулияти чекланган жамияти қилиб қайта ташкил этилади. Даволар 1 ой ичида 300-82-11 телефони орқали қабул қилинади.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

Advertisement for tiger and lion shows with contact information for ticket purchases.

Advertisement for Gold Biznes Garant and other services with contact details.